



Тахлилчи мутахассисларнинг хабар беришича, ишлаб чиқарилган халол махсулотларнинг 25 фоизинигина мусулмонлар сотиб олишар экан. Колганлари насроний, яхудий ва бошкаларга насиб килар экан. Халол махсулотларни ишлаб чикишдаги каттик назорат ва тозалик-покликка каттик эътибор борлиги асосий сабаблардан бири экан.

Халол сўзи "био", "эко" ва "фермерлар махсулоти" тушунчаларига муқобил тушуниладиган бўлиб колди, дейди Москвадаги халкаро "Белок" форумида Евразия паррандачилик ассоциациясининг раҳбари Сергей Шабаев.

"Халол дегани нима?" деб савол кўйади Шабаев. - Бу мусулмон дунёсининг калит, деб ўзининг саволига жавоб беради. - Шунинг учун хам, парранда гўштини экспорт ва импорт килиш учун Евразия паррандачилик ассоциациясини ташкил килдик. Бу ассоциацияда Белоруссия, Козогистон ва Россия бирлашган, дейди ассоциация президенти.

Мутахассиснинг айтишича, хайвонларни шариат талабларига кўра забх килиниши Европа бозорига киришимизга асос бўлади. Европада истикомат килаётган аксар мусулмонлар электро аппаратлар билан ўлдирилган маҳаллий бройлерни сотиб олишларини хоҳламайдилар.